

**Тошматов Шухрат Амонович**



**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ  
СОЛИҚҚА ТОРТИШ АСОСЛАРИ**

**ТОШМАТОВ ШУҲРАТ АМОНОВИЧ**

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК  
СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА  
ТОРТИШ АСОСЛАРИ**

**Тошкент – 2012**

**Ш.А. Тошматов. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Монография.. – Т.: «Молия», 2012. -160 б.**

БКБ 65.9(5Ў)09  
УДК: 334.722(072)

*Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг тадбиркорлик субъектлари билан бўладиган иқтисодий муносабатлари солиқлар орқали амалга оширилади. Давлат солиқлардан иқтисодиётни тартибга солишда солиқлардан муҳим молиявий унсур сифатида фойдаланиб, устувор иқтисодий фаолият билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиради. Ҳозирда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат. Демак республикаимиз солиқ тизими олдидан кичик тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушини оширишни қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш вазифаси турибди. Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кўмитасининг илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган 2-010-«Солиқ сиёсатини эркинлаштириш асосида Ўзбекистон иқтисодиётида кичик тадбиркорликнинг улушини ошириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси натижалари бўйича чоп этилган. Монографияда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда учраётган муаммолар тадқиқ этилган ҳамда муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган. Ундан солиқлар бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ва чуқурлаштиришда, қонун ва йўриқномалар ишлаб чиқишда, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юрларида солиқлар бўйича фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.*

*Муаллиф мазкур монографиядаги камчиликлар хусусида китобхонлар томонидан билдириладиган фикрларга умид боғлаган ҳолда, олдиндан миннатдорчилик изҳор этади.*

*Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Илмий кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.*


#### **Тақризчилар:**

Э.Ф.Гадов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, доцент – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раисининг ўринбосари, Солиқ академияси ректори.

А. Усанов, иқтисод фанлари номзоди, доцент – БМА «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси мудири.

№2423-7223

ISBN 978-9943-302-59-4



© Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси,  
«Молия» нашриёти, 2012 й.

## Кириш

Мамлакатимизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор вазифалардан бири этиб кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш вазифаси етакчи ўринга қўйилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўхталиб, – “нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда. ....Хукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириши шарт<sup>1</sup>”лигига тўхталиб, “Мамлакатимизда 2011 йилни **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”**, деб эълон қилиниши - барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак<sup>2</sup>” деб таъкидладилар.

Кичик тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантириш орқали уларнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бир неча йиллардан буён республикамизда кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишни такомиллаштириш ва ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнеснинг улушини ошириш масаласига Хукуматнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ислохотлардан кутилаётган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 64 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. -Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил. 38-б.

асосий мақсад мамлакатимизда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясидан самаралироқ файдаланишдир.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун уларнинг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш иқтисодий тараққиёт барқарорлигини белгиловчи қулай ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали усул ҳисобланиб, ҳозирда мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Мамлакатимизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга кенг эътибор қаратилган бўлиб, унда “ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади. .... Бу борада энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз иштини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётганини ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим<sup>3</sup>” лиги келтирилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий бўғинларидан бири бу молия механизмнинг таркибий қисми бўлган солиқ механизми ҳисобланади. Чунки айнан солиққа тортиш механизми кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятини шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос ўринни эгаллайди. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш тарихида унинг олиб борган солиқ сиёсати алоҳида аҳамият касб этиб, давлат ўзининг қўлидаги энг асосий ричагларидан бири бўлган солиқлар орқали шу мамлакатда кечаётган макроиқтисодий ўсишга ижобий таъсир этишни энг муҳим вазифа деб қарайди, макроиқтисодий ўсишни таъминлаш кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқлар молия-кредит тизимида ва ҳатто ижтимоий тизимда ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бу

<sup>3</sup> Қаримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент.: “Ўзбекистон”. ИМИУ, 2009-47-6

тизимда солиқ тўловчилар давлатнинг фуқароларга нисбатан ижтимоий вазифалари ва функцияларини адо этиши учун солиқ мажбуриятларини бажарадилар. Демак, солиқ муносабатлари - давлат билан солиқ тўловчилар ўртасида вужудга келадиган молиявий муносабатлардир.

Шу нуқтаи назардан кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ечимини топиш ва улар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ва айти вақтда тадқиқ этилиши зарур бўлган долзарб илмий муаммодир. Шунингдек тадқиқот лойиҳасини кўзда тутилаётган даврда бажарилиши долзарб ва муҳим заруриятлигини мамлакатимиз Президенти томонидан мазкур йўналишнинг иқтисодий ривожланишнинг муҳим устувор йўналишларидан бири деб эътироф этилиши далилий исбот этиб турибди.

# **1-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг республика ва худудлар иқтисодиётини ривожланишидаги аҳамияти**

Собиқ Иттифоқнинг узок тарихи давомида олиб борилган сиёсатнинг асосий жиҳати иқтисодиётни йириклаштириш билан характерлидир. Иқтисодий назарияда илмий асосланганки, бу маълум бир чегарагача кенг масштабда самара бериши мумкин. Турли ишлаб чиқариш тузилмаларининг бирлашиши, яъни йириклашиши иқтисодий фаолият самарадорлигини кескин пасайтириб юборади. Бу тизим ижтимоий, иқтисодий ва технологик ўзгаришларга тез мослашиш қобилиятига эга эмас. Ва натижаси Собиқ Иттифоқ даврида ушбу ҳолат самарадорликни кескин пасайишига олиб келди. Кичик бизнес субъектлари соғлом иқтисодиётнинг муҳим элементи ҳисобланади ва у бир қатор ҳаётий зарур вазибаларни бажаради. Кичик бизнес вакиллари янги шароитга тез мослашади ва АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатларидаги сингари эркин бозор иқтисодиётига, Япония ёки жанубий-шарқий Осиё давлатлари ва «учинчи дунё» мамлакатларидаги каби анъанавий иқтисодиётга катта самара бериб келмоқда.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, хўжалик фаолиятида кичик бизнес субъектлари нечоғлик кўп эркинликка эга бўлсалар, бозорда рақобат муҳити шунчалик тез ривожланади. Аммо давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатли муҳитнинг юзага келишига фаол ёрдам бериши керак, бозордаги рақобатни химоя қилувчи антимонопол сиёсат юргизиши керак.

Кичик тадбиркорлик фойдаланилмаётган материаллар ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб қилади, янги иш жойларини кўшимча яратишга имконият беради ҳамда бозорга тез мосланувчан бўлади. Шунингдек кичик бизнес аҳолининг бандлиги ва даромадини ошириш учун шароит яратиб беради; ижтимоий қатламлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатиш орқали алоҳида ижтимоий иқлимни

юзага келтиради; ракобатнинг ривожланишига, бинобарин, ракобатли товар нархларнинг шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бундан истеъмошчилар ва умуман жамият бирдай ютади; соғлиқни сақлаш ва таълим тизими томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг кенгайишига замин яратади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки давларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳукумат даражасида кенг эътибор бериб келинмоқда, Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўхталиб, – “Биз ҳаммамиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини, албатта, чуқур англаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилганлигини айтишнинг ўзи kifoya, деб ўйлайман. Шу билан бирга, эришган муваффақиятларимизни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар тажрибаси билан таққослаган ҳолда танқидий баҳолар эканмиз, шунинг олишимиз керакки, Ўзбекистонда ҳали бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп<sup>4</sup>лигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

**Биринчидан,** мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш. Тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”.-Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил, 39-б.



бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича - зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий - мезонига айланиши даркор.

Бош прокуратурага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси - топширилади.

**Иккинчидан**, Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш вазифаси топширилади.

Эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва таъқиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш даркор.

**Учинчидан**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси топширилади.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада

такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиши зарур. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

**Тўртинчидан**, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак.


Кичик корхоналар учун ташки савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида кўшимча преференциялар бериш зарур<sup>5</sup>.

Республикамизда охириги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бунда бир неча омиллар билан бирга энг муҳим омил ҳисобланган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўладиган ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ижобий таъсир этмоқда.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамизда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши охириги олти йилда 14,3 фоизли пунктга ошган. Ушбу кўрсаткич 2005 йилда 38,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб 52,5 фоизни ташкил этган, 2011 йилда эса 54,0 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Бу албатта ҳукуратимиз томонидан кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган иқтисодий ислохотларнинг самарасини ифода этади. Мазкур йилларда кичик бизнес субъектлари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови ставкаси пасайтирилиб, кичик

---

<sup>5</sup> Шу ерда 42 бет.



**1-расм. 2005-2010 йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши ва ягона солиқ тўлови ставкасининг ўзгариш динамикаси<sup>6</sup>.**

тадбиркорликни солиққа тортишда ҳам кўплаб имтиёзлар жорий этилди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура-режалаштириш топширик тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга пасайтирилди<sup>7</sup>. Шунингдек 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес-муҳитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Жумладан кичик тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, ҳамда бу


<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: "Ўзбекистон", 2010. — 42 б.

жараён янада очиклик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат ва назорат идораларининг кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Кичик бизнес субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технологик ускуналар харид қилиши учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш механизми такомиллаштирилди. 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди, кичик бизнес субъектларига текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек молиявий санкцияларни олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи берилди, 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди ва микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан



**2-расм. Республикамиз вилоятлари бўйича кичик тадбиркорликнинг ялли худудий маҳсулотдаги улуғи<sup>8</sup> (%)**

<sup>8</sup> "Ўзбекистон иктисодиёти" 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 36 бет.

тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди<sup>9</sup>.

Мамлакатимиз минтақалари бўйича кичик тадбиркорликни ривожланиш даражаси бир хил эмас, 2007-2010 йиллар давомида факат Тошкент шаҳри бўйича ялпи худудий маҳсулотдаги кичик бизнеснинг улуши пасайган бўлса, қолган худудлар бўйича бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятлар бўйича ялпи худудий маҳсулотдаги (ЯХМ) кичик тадбиркорлик улушининг охириги уч йилдаги энг юқори ўсиш суръати Тошкент вилоятига тўғри келади, яъни 2007 йилдаги 44,5 фоиздан 2010 йилда 54,7 фоизга етиб 10,2 фоизли пунктга ошган. Умуман республика худудлари бўйича олганда ЯХМдаги кичик тадбиркорликнинг улуши Сирдарё ва Жиззах вилоятларида юқори кўрсаткични ташкил этган, 2010 йилда мос равишда Сирдарё вилоятида 77,4 фоизни ташкил этган бўлса, Жиззах вилоятида эса 77,3 фоизга тенг бўлган. Мазкур кўрсаткичлар бўйича кейинги ўринларда Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари туради. 2010 йил якуни билан республика бўйича ЯИМнинг кичик тадбиркорлик улуши (52,5 фоиз) даражасидан паст кўрсаткич Тошкент шаҳри (49,9 фоиз) ва Навоий вилоятида (34,4 фоиз) кузатилган. Бу кўрсаткич асосий ҳал қилувчи кўрсаткич бўлса-да, лекин худудда кичик тадбиркорлик ривожланиш даражасини тўлиқ ақс эттириб беролмайди, ундан ташқари фаолият юритаётган субъектлар сони, иқтисодиётда бандларнинг умумий сонидан кичик бизнесда банд бўлганлар сони, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига кўра, маҳсулот экспорти ва импортидаги улушига кўра аниқланадиган бир қанча кўрсаткичларга қараб кичик тадбиркорликнинг худудда ривожланиш даражасига баҳо берилади.

Мамлакатимизда вилоятлар (минтақалар) доирасида тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кичик тадбиркорлик ривожини асосий кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Бунда асосий кўрсаткичлар сифатида ялпи минтақавий маҳсулотдаги кичик тадбиркорликнинг салмоғи, иқтисодиётда бандлар

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2011 йилдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4354-сонли Фармони.

сонидаги кичик бизнесда банд бўлганлар улуши, вилоят бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми каби кўрсаткичлар асос қилиб олинади. Охириги йилларда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси бўйича Самарқанд вилояти республикамизда биринчи поғонани эгаллаб турибди. Иккинчи ўринни эгалаб турган Қашқадарё вилоятида охириги йилларда нисбатан кескин ўзгаришлар юз берганлигини кўришимиз мумкин, шунингдек Тошкент шаҳри учинчи поғонани эгаллаган. Бу эса мазкур ҳудудларда кичик тадбиркорлик ривожига катта эътибор берилётганлигини англатади .

1-жадвал

### Ҳудудларда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш рейтингини<sup>10</sup>

Ҳудудлар	ЯИМ, ЯХМ дағи улуши				Иқтисодиётда бандларнинг умумий сонидан бандлар улушига кўра				Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига кўра *			
	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	8	8	8	8	12	12	12	12	13	13	14	8
Андижон	11	12	12	11	1	1	1	2	6	6	6	13
Бухоро	7	7	7	7	8	8	8	8	8	8	5	9
Жиззах	2	1	2	2	3	3	6	5	12	12	9	3
Қашқадарё	12	10	10	10	9	10	9	10	5	3	3	7
Навоий	14	14	14	14	14	14	14	14	11	11	2	14
Наманган	4	3	3	3	6	7	5	3	7	7	12	5
Самарқанд	3	4	4	4	2	2	2	1	3	4	7	2
Сурхондарё	6	5	5	6	10	9	10	9	10	9	13	11
Сирдарё	1	2	1	1	4	4	3	6	14	14	8	4
Тошкент	13	11	11	12	11	11	11	11	2	2	4	10
Фарғона	9	9	9	9	5	5	4	7	4	5	11	12
Хоразм	5	6	6	5	7	6	7	4	9	10	10	6
Тошкент ш.	10	13	13	13	13	13	13	13	1	1	1	1

Иқтисодиётда бандларнинг умумий сонига нисбатан кичик тадбиркорликда бандларнинг улушига кўра биринчи поғона Андижон вилоятига тегишли бўлса, аҳоли жон бошига ишлаб

<sup>10</sup> “Ўзбекистон иқтисодиёти.” 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 36 бет.

\* 2010 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги кичик тадбиркорлик салмоғига кўра олинган.

чиқарилган маҳсулот ҳажмига кўра Тошкент шаҳри биринчи ўринни эгаллаб турибди.

2-жадвал

### Худудларда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари<sup>11</sup>

Худудлар	Фасилят қоритаётган субъектлар сони			Иқтисодиётда бандларнинг умумий сонидagi бандлар улушига кўра			Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида			Экспорт ҳажмида		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Республика бўйича	135561	152246	201730*	73,1	74,2	74,3	13,9	16,9	19,6	12,3	14,6	13,6
Қорақалпоғистон Республикаси	6064	7135	8662	69,9	70,4	71,2	19,3	18,0	23,0	11,4	8	12,5
Андижон	12134	14270	17855	80,3	81,1	81,2	4,5	7,7	8,4	1,9	4,2	6,4
Бухоро	9087	9776	11979	75,0	76,3	76,3	13,1	14,5	17,9	7,8	6,5	7,6
Жиззах	4953	5057	5870	76,8	77,7	78,0	30,8	37,4	34,8	28,8	13,3	44,7
Қашқадарё	9962	12099	39942	73,3	74,4	74,9	18,7	24,0	24,8	26,6	21,7	9,0
Навоий	4530	5253	5629	55,5	56,1	55,9	2,1	2,7	3,4	7,6	6,5	9,5
Наманган	8030	9904	10967	77,1	78,0	78,4	23,3	29,4	33,9	52,8	69,2	86,7
Самарқанд	10288	10626	11296	77,8	81,1	81,2	29,2	29,8	38,6	40,4	68,1	61,0
Сурхондарё	9569	8946	8834	73,8	74,2	76,0	16,8	16,7	16,4	16,4	10,2	19,5
Сўлдарё	3841	4811	5527	76,2	79,1	77,8	29,1	31,4	34,2	5,3	10,4	30,3
Тошкент	10374	12293	16297	71,8	73,8	73,0	13,7	18,2	17,3	12,8	20,1	17,0
Фарғона	11144	12069	16867	76,6	78,1	77,5	7,6	8,9	12,5	17,7	19,8	18,3
Хоразм	6324	8174	8707	76,5	77,4	78,0	23,6	26,4	30,0	11,3	7,6	9,3
Тошкент ш.	29151	31883	33298	56,5	57,1	56,6	31,0	34,6	39,0	16,8	19,8	13,9

Маълумотлардан кўриниб турибдики, республикада келтирилган барча кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга. Республика бўйича фермер хўжалиklarини ҳисобга олмаганда микрофирма ва кичик корхоналар сони охириги уч йилда (2008-2010 йилларда) 66169 та кўпайган. Маълумки ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорга асосан фермер хўжалиklarига эгаллигидаги ер майдонларини оптималлаштирилгандан кейин республикада фермер хўжалиklари сони кескин камайди. Ушбу йилларда кичик бизнес субъекtlари сонининг энг юқори даражада ўсиши Қашқадарё вилоятида кузатишган ва 2010 йилда

<sup>11</sup> "Ўзбекистон иқтисодиёти." 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 36 бет.



сонидаги кичик бизнесда банд бўлганлар улуши, вилоят бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми каби кўрсаткичлар асос қилиб олинади. Охириги йилларда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси бўйича Самарқанд вилояти республикамизда биринчи поғонани эгаллаб турибди. Иккинчи ўринни эгалаб турган Қашқадарё вилоятида охириги йилларда нисбатан кескин ўзгаришлар юз берганлигини кўришимиз мумкин, шунингдек Тошкент шаҳри учинчи поғонани эгаллаган. Бу эса мазкур ҳудудларда кичик тадбиркорлик ривожига катта эътибор берилётганлигини англатади.

1-жадвал

### Ҳудудларда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш рейтинг<sup>10</sup>

Худудлар	ЯИМ, ЯХМ даги улуши				Иқтисодиётда бандларнинг умумий сонидан бандлар улушига кўра				Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига кўра*			
	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	8	8	8	8	12	12	12	12	13	13	14	8
Андижон	11	12	12	11	1	1	1	2	6	6	6	13
Бухоро	7	7	7	7	8	8	8	8	8	8	5	9
Жиззах	2	1	2	2	3	3	6	5	12	12	9	3
Қашқадарё	12	10	10	10	9	10	9	10	5	3	3	7
Навоий	14	14	14	14	14	14	14	14	11	11	2	14
Наманган	4	3	3	3	6	7	5	3	7	7	12	5
Самарқанд	3	4	4	4	2	2	2	1	3	4	7	2
Сурхондарё	6	5	5	6	10	9	10	9	10	9	13	11
Сўрдарё	1	2	1	1	4	4	3	6	14	14	8	4
Тошкент	13	11	11	12	11	11	11	11	2	2	4	10
Фарғона	9	9	9	9	5	5	4	7	4	5	11	12
Хоразм	5	6	6	5	7	6	7	4	9	10	10	6
Тошкент ш.	10	13	13	13	13	13	13	13	1	1	1	1

Иқтисодиётда бандларнинг умумий сонига нисбатан кичик тадбиркорликда бандларнинг улушига кўра биринчи поғона Андижон вилоятига тегишли бўлса, аҳоли жон бошига ишлаб

<sup>10</sup> «Ўзбекистон иқтисодиёти.» 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 36 бет.

\* 2010 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги кичик тадбиркорлик салмоғига кўра олинган.

чиқарилган маҳсулот ҳажмига кўра Тошкент шаҳри биринчи ўринни эгаллаб турибди.

2-жадвал

### Худудларда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари<sup>11</sup>


Худудлар	Фаолият қоритаётган субъектлар сони			Иқтисодиётда бандларнинг умумий сонидagi бандлар улushiга кўра			Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида			Экспорт ҳажмида		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Республика бўйича	135561	152246	201730*	73,1	74,2	74,3	13,9	16,9	19,6	12,3	14,6	13,6
Қорақалпоғистон Республикаси	6064	7135	8662	69,9	70,4	71,2	19,3	18,0	23,0	11,4	8	12,5
Андижон	12134	14270	17855	80,3	81,1	81,2	4,5	7,7	8,4	1,9	4,2	6,4
Бухоро	9087	9776	11979	75,0	76,3	76,3	13,1	14,5	17,9	7,8	6,5	7,6
Жиззах	4953	5057	5870	76,8	77,7	78,0	30,8	37,4	34,8	28,8	13,3	44,7
Қашқадарё	9962	12099	39942	73,3	74,4	74,9	18,7	24,0	24,8	26,6	21,7	9,0
Навоий	4530	5253	5629	55,3	56,1	55,9	2,1	2,7	3,4	7,6	6,5	9,5
Ўзбекистон Республикаси	8030	9904	10967	77,1	78,0	78,4	23,3	29,4	33,9	52,8	69,2	86,7
Самарқанд	10288	10626	11296	77,8	81,1	81,2	29,2	29,8	38,6	40,4	68,1	61,0
Сурхондарё	9569	8946	8834	73,8	74,2	76,0	16,8	16,7	16,4	16,4	10,2	19,5
Сирдарё	3841	4811	5527	76,2	79,1	77,8	29,1	31,4	34,2	5,3	10,4	30,3
Тошкент	10374	12293	16297	71,8	73,8	73,0	13,7	18,2	17,3	12,8	20,1	17,0
Фарғона	11144	12069	16867	76,6	78,1	77,5	7,6	8,9	12,5	17,7	19,8	18,3
Хоразм	6324	8174	8707	76,5	77,4	78,0	23,6	26,4	30,0	11,3	7,6	9,3
Тошкент ш.	29151	31883	33298	56,5	57,1	56,6	31,0	34,6	39,0	16,8	19,8	13,9

Маълумотлардан кўриниб турибдики, республикада келтирилган барча кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга. Республика бўйича фермер хўжалиklarини ҳисобга олмаганда микрофирма ва кичик корхоналар сони охириги уч йилда (2008-2010 йилларда) 66169 та кўпайган. Маълумки ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорга асосан фермер хўжалиklarига эгаллигидаги ер майдонларини оптималлаштирилгандан кейин республикада фермер хўжалиklари сони кескин камайди. Ушбу йилларда кичик бизнес субъектлари сонининг энг юқори даражада ўсиши Қашқадарё вилоятида кузатилган ва 2010 йилда

<sup>11</sup> "Ўзбекистон иқтисодиёти." 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 36 бет.

республика бўйича энг кўп микрофирма ва кичик корхоналар сони мазкур вилоятга тўғри келган. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида энг кам кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган, лекин буни фақат вилоятдаги кичик тадбиркорлик субъектларининг сони кўплиги ёки камлиги билан баҳо бериб бўлмайди. Бунда вилоятнинг худуди, аҳоли сони, ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, иктисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидан кичик бизнесда банд бўлганлар улушини солиштирсак, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари юқори ўринларни эгаллайди ва республика даражасидан юқоридир. Шунингдек ушбу вилоятларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам кичик бизнеснинг улуши республика даражасидан юқоридир. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида микрофирма ва кичик корхоналарни улуши юқорилиги бўйича республикамизда энг юқори погонани Тошкент шаҳри эгаллаб турибди. Экспорт ҳажмидаги кичик бизнеснинг улушига кўра энг юқори ўрин Наманган вилоятига тўғри келади ва бу кўрсаткич 86,7 фоизни ташкил этади, яъни республика кўрсаткичидан 6 мартадан ортиқдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки мамлакатимиз бўйича жами экспортда ҳам, импортда ҳам кичик тадбиркорликнинг улуши устун даражада ўсиш тенденциясига эга.




3-расм. Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши<sup>12</sup> (фоизда)

<sup>12</sup> "Ўзбекистон иқтисодиёти." 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 37 бет.

Агар 2000 йилда жами экспортнинг 10,2 фоизи кичик тадбиркорликка тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу улуш 13,6 фоизга тенг бўлган, яъни 3,4 фоизли пунктга ошган. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажмининг жами экспорт ҳажмидаги улушини 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 2,5 фоизли пунктга камайганлигини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё бозорида экспорт қилинаётган товарларга бўлган талабнинг кескин қисқариши натижасида асосан экспортга ихтисослашган соҳаларда фаолият юритувчи қўшма корхоналар (кичик корхона ва микрофирмалар) экспортининг пасайиши кузатилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Лекин шунга қарамай мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натижасида 2009 йилда кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 2008 йилга нисбатан 2,3 фоизли пунктга ошишига эришилди. 2010 йилда экспортдаги кичик бизнеснинг улушининг камайиши, республикамиздаги йирик базавий тармоқ корхоналари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг жаҳон бозоридаги нархларинг ошиши ҳисобига юз берган. Импортдаги кичик бизнеснинг улушининг ошиши асосан ишлаб чиқаришни янги техника билан ташкил этиш учун олиб киритилаётган асбоб-ускуналар ҳисобига юз берган.

Шу билан бирга 2007-2010 йилларга тегишли маълумотларнинг таҳлили бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларда кичик бизнеснинг улуши ўсиш тенденциясига эга.

Республикамиз бўйича асосий капиталга йўналтирилган жами инвестициялардаги кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 2007 йилдагига нисбатан 2010 йилда 10,9 фоизли пунктга ошганлигини кўришимиз мумкин. Кичик бизнес субъектларида инвестициялар миқдорини ошишининг асосий сабабларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3860-сонли Фармонида асосан кичик тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базанинг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда янги технологик жиҳозлар харид қилиш учун



**4-расм. 2007-2010 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларда кичик тадбиркорликнинг улуши, (фоизда) <sup>13</sup>**

сарф этилган инвестициялар ҳажмига беш йил давомида солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқини берилганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни юксалиб бормоқда. Мамлакатимиз Президентининг кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиб келаётгани шубҳасиздир, жумладан "...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқироzi даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради...жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда.....бир сўз билан айтганда, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нима халақит бераётганини яна бир бор

<sup>13</sup> 2007-2010 йилларга тегишли статистика ахборотномаси маълумотлари.

батафсил, чуқур таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил асосида аниқ қарорлар қабул қилиш даркор”<sup>14</sup> лигини бир неча бор такрорлаганлар.

Шунингдек, кичик бизнеснинг иқтисодийдаги роли ва унинг аҳолини бандлигини таъминлашдаги аҳамиятига кўпчилик олимлар юқори баҳо беришган. Хусусан, Л.Гуронинг таъкидлашича мазкур соҳа вакиллари: “..моддий ва молиявий ресурсларни самарали тақсимланишида, иқтисодийда янги иш жойларини яратишда, ҳар томонлама иқтисодийнинг ўсиш суръатларини тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этади”<sup>15</sup>.

Америкалик иқтисодчи олим Р.Стюарт фикрича “..янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат турини таклиф этишда кичик бизнес қулай имкониятларга эга. Чунки кичик бизнес субъектлари кам сарф-харажатларни амалга оширган ҳолда бозорда ўз имкониятларини синаб кўриш, тез ихтисослашиб, маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга эришиш, бошқа рақобатчиси мавжуд бўлмаган товар турларини таклиф этиш ва ўз истеъмолчисининг хоҳиш истагини тўлиқ қондирган ҳолда ишлаб чиқилган маҳсулотларни етказиб бериш имкониятларига эгадир”<sup>16</sup>.

Лекин шу билан бирга кичик тадбиркорлик тушунчаларидан анча илгари тадбиркорлик ғояси тушунчалари шаклланган. Хусусан, А. Смит тадбиркорга нисбатан қуйидаги тариф берган: “Тадбиркор - хўжалик юритиш таҳлиқасини ўз зиммасига олувчи капитал эгасидир”. Унга қараганда Ж.Б. Сей кенгроқ фикр берган, яъни тадбиркор бу ишлаб чиқариш омиллари уйғунлаштирадиган ёки иқтисодий ресурсларни паст самардорлик ва фойдалилик соҳасидан юқори самарадорлик ва фойдалилик соҳасига йўналтирадиган иқтисодий субъектдир”<sup>17</sup>.

Кейинчалик, профессор Р. Хизрич тадбиркорликка берилган тарифларни такомиллаштирган ҳолда, унга қуйидагича ёндашган: “Тадбиркорлик - қийматга эга бўлган қандайдир янги нарсани

<sup>14</sup> Карвмов И.А. Асосий вазифамиз – ватанмиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. - 80 б.

<sup>15</sup> Гуро Л.Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари//Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 1998.- №9 -62 б.

<sup>16</sup> Robert I.Mc.Can.Anoutline of the American Economy.-USE. November 1992. -p.112.

<sup>17</sup> Ф.Шамхалов. Роль предпринимателя в рыночной экономической системе. // Маркетинг. – Москва, 1997. - №3. - С. 95.

яратниш жараёнидир, тадбиркор ўзининг бор кучи, вақтини шу жараёнга сарфловчи, жараёни амалга ошириш учун молиявий, рухий, ижтимоий таваккалчиликни зиммасига олувчи, эвазига мукофот сифатида пул, қониқиш олувчи кишидир”<sup>18</sup>.

Иқтисодчи олим А. Хоскинг тариф беришича: “Тадбиркор - бу ўз ҳисобига иш юритувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва зарур маблағлар билан таъминлашдаги масъулиятни ўз гарданига олган мустақил қарорлар қабул қилувчи шахсдир”<sup>19</sup>.

Шу ўринда К. Макконелл ва С. Брюларнинг тадбиркорликка нисбатан ёндашувлари жуда қизиқарли ва фойдали. Уларнинг фикрича, тадбиркорлик тубида чексиз шартлар ва талаблар ётувчи муҳим фаолият туридир. Жумладан:

- тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва “катализатор” вазифасини бажаради;

- бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади;

- тадбиркор - ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилган ҳолда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга интилади;

- тадбиркор бу таҳликага борувчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради<sup>20</sup>.

Россиялик иқтисодчи олим, академик Л.И.Абалкин тадбиркорликнинг бир қатор афзалликларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди, яъни фаолият йўналиши ва усулларини танлаш эркинлиги, мустақил қарорлар қабул қилиш, фойда олиш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлик ва ҳоказолардир. Шунингдек, унинг фикрича, етарли ривожланган бозор ҳўжалиги тадбиркорлик ривожланишининг негизи ҳисобланади<sup>21</sup>. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, тадбиркорлик – бу инсон мақсад-

<sup>18</sup> Р.Хизрич, М.Питерс . Предпринимательство // Вып.1. М., 1991, С.20 .

<sup>19</sup> Хоскинг А. Курс предпринимательства. - М., 1993. - С. 28

<sup>20</sup> К.Макконелл К., С.Брю. Экономика. Принципы, проблемы и политика. - М.: Республика, 1992. -С.38.

<sup>21</sup> Абалкин Л.И. Заметки о российском предпринимательстве. - Прогресс-Академия, 1994, С. 12 .

ларини рўёбга чиқариш ва фаоллигини ошириш йўналишларидан биридир<sup>22</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам тадбиркорликни назарий жиҳатлари, иқтисодий моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича тадқиқот олиб боришган. Жумладан, Академик С.Ғуломовнинг таъкидлашича кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай шароитда: иқтисодий тушкунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта юқори бўлганда ҳам, зарур инфратузилмасиз келажаги номаълум ҳолларда ҳам, хавф – хатар канчалик юқори бўлишига қарамай яшайверади.<sup>23</sup>

Таниқли иқтисодчи олим А.Ўлмасов “Кичик бизнес – кишилар (мулкчилик) субъектларининг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда ҳўжалик оборотига, даромад топишга мўлжаллангандир” деб таъкидлаганлар.<sup>24</sup>

Шунингдек, Ё.Абдуллаев тадбиркорликка – конун хужжатларига мувофиқ, даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан таваккал қилиб, ўз мулкый жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият” сифатида таъриф берганлар.<sup>25</sup>

## **1.2. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонлари**

Кичик бизнес субъектларини микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ажратишнинг мезонларини тадқиқ этиш муҳимдир. Чунки мазкур субъектларнинг бундай фарқланиши уларни солиққа тортишдаги ва молиявий ҳисоботларини топшириш жараёнида имтиёзларни қўллаш, улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда, аниқ чора-

<sup>22</sup> Абдулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омиви ва уни фаоллаштириш йўллари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.–Т.: ДЖҚА, 2005. – 27 б.

<sup>23</sup> Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ”, 2002. - 9 б.

<sup>24</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Меҳнат», 1999. – Б. 243.

<sup>25</sup> Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Тадбиркор ён дафтари: кичик бизнес ва тадбиркорлик.–Т.: «Меҳнат», 1999.-12 б.



тадбирларни ишлаб чиқишда, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес корхоналарига таъриф бериб, солиққа тортиш нуқтаи-назаридан ёндашган ҳолда, уларга ҳуқуқий мақом беришда ҳар бир давлат ўзига хос тарзда ёндашишга ҳаракат қилади. Яъни қайси бир давлат асосий мезон сифатида бизнесда банд бўлганлар сонини олса, бошқалари асосий мезон сифатида корхонанинг йиллик тушуми ёки ялпи даромадини кўрсатади. Мисол учун Жанубий Кореяда обороти 100,0 млн.вонгача бўлган корхоналар, Японияда эса устав сармояси 100,0 млн йендан кам миқдордаги ҳамда йиллик даромади 8,0 млн.йендан кам бўлган корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари саналиб, уларга нисбатан солиқлардан имтиёзлар татбиқ этилади<sup>26</sup>.


Бугунги кунда Ўзбекистонда солиққа тортиш нуқтаи - назаридан кичик бизнес мақомини фақатгина унда банд бўлганлар сонига караб белгиланмоқда. Жумладан, 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-1987-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ПФ-3305-сон Фармонига биноан амалдаги қонун ҳужжатларига баъзи ўзгартиришлар киритилиб, айрим низомлар ўз кучини йўқотди. Бу фармонга биноан қуйидаги асосий масалалар тартибга солиниши лозимлиги белгиланди. Яъни: субъектни микрофирма ёки кичик корхона сирасига киритиш имконини берадиган юридик шахс ходимларининг миқдорий сонини белгилаш; халқ хўжалиги соҳасининг айрим тармоқлари (саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва ҳ.к.) бўйича энг юқори сонининг миқдорий кўрсаткичларини ажратиш; юридик шахсни кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига киритиш мақсадида ҳисобга қуйиладиган шахслар таркибини белгилаш. У ёки бу юридик шахсни кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига киритиш мезонларини ўзгартириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ

---

<sup>26</sup> Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли.-Т.: Фан ва технология. 2008.- 134 б.

тадбиркорлик субъектлари деб тан олинishi мумкин бўлган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган халқ хўжалиги соҳасига татбиқан олганда ходимлар сонига нисбатан Фармонда кўриб чиқилган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган исталган ташкилий-хуқуқий шаклларга мансуб юридик шахсларга (акциядорлик жамиятлари, чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар, унитар корхоналар ва ҳ.к.) татбиқ этилди.

Республикамизда корхоналарни шартли равишда мулкчилик шаклига қараб, ишловчилар сонига қараб, ташкилий-хуқуқий шаклига қараб ва солиқ тўлаш тартибига қараб қуйидагича таснифлашимиз мумкин (5-расм).



5-расм. Ўзбекистонда корхоналарнинг таснифланиши<sup>27</sup>

Кўришиб турибдики республикамизда кичик тадбиркорлик субъектларининг аниқлашда асосий мезон унда ишловчилар сони ҳисобланади. Корхонада ишловчиларнинг ўртача йиллик сонига қараб уларнинг микрофирма, кичик корхона ва йирик корхоналарга ажратилади. Бунда ушбу корхонадаги

<sup>27</sup> Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. -Т.: Фан ва технология. 2008. - 16 б.

ходимларнинг ўртача йиллик сони аниқланаётганда унитар (шўба) корхоналар, филиал ва ваколатхоналарда ишлаётганлар сони кўшиб ҳисобланади. Республикамизда корхоналарни ишловчилар сонига қараб таснифлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган ва у 1997 йилдан бошлаб такомиллаша борди.

Соддалаштирилган солиққа тортиш учун кичик тадбиркорлик субъектларида асосий мезон сифатида 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунида (Ушбу Қонун 25 май 2000 йилда бекор қилиниб, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди) кўзда тутилган кичик тадбиркорлик субъектлари мезонлари асос қилиб олинди. Бунга асосан саноатда ва қурилишда 50 кишигача, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳа учун 25 кишигача, фан ва ноишлаб чиқариш соҳасида 10 кишигача, чакана савдода 5 кишигача ўртача йиллик ходимлари бўлган кичик корхоналарга нисбатан солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими татбиқ этила бошланди. 1998 йилдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш тармоқларида йилига ўрта ҳисобда кўпи билан 10 нафар; савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида кўпи билан 5 нафар иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, саноат соҳасида йилига ўрта ҳисобда кўпи билан 40 нафар; қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида - кўпи билан 20 нафар; илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида - кўпи билан 10 нафар иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар учун соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтиш ҳуқуқи берилди. 2004 йилдан бошлаб ушбу солиққа тортиш тартибини қўллаш ҳуқуқини олиш имкониятига эга бўлган корхоналар учун ишловчилар сони мезонлари оширилди, яъни ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана

савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати - 100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари - 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар - 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар соддалаштирилган солиққа тортиш режимига ўтиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

3-жадвал

**Микрофирма ва кичик корхона мезонини белгиловчи ишловчилар сони тўғрисидаги маълумот**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ишловчилар сони	
		Микрофирмалар	Кичик корхоналар
1.	Асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати, ҳисоблаш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, металл конструкциялар ишлаб чиқариш	20 кишигача	100 кишигача
2.	Машинасозлик, металлургия, ёқилғи- энергетика, химия саноати, к/х маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш тармоғида	20 кишигача	50 кишигача
3.	Қишлоқ хўжалиги	20 кишигача	50 кишигача
4.	Фан ва илмий хизмат	10 кишигача	25 кишигача
5.	Чакана савдо	5 кишигача	25 кишигача
6.	Улгуржи савдо	5 кишигача	25 кишигача
7.	Хизмат кўрсатиш тармоғи	20 кишигача	50 кишигача
8.	Транспорт	10 кишигача	25 кишигача

Ушбу келтирилган мезондан кўп ишловчилар сонига эга бўлган корхоналарни йирик корхоналарга киритиш мумкин, “йирик корхоналар аксарият ҳолларда акциядорлик жамиятлари кўринишида бўлади”.<sup>28</sup>

Мамлакатимиз Президенти томонидан ўтган 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди ва Давлат дастури ишлаб чиқилди. Кичик бизнесни рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва таълим муассалари битирувчиларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 28 июлда “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4232-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ – 1987–сонли Фармонда белгиланган микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик сони Республика ўқув юртлари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчилар ҳисобига 20 фоизга оширилишига руҳсат берилди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2011 йилдаги № ПҚ-1672 сонли қарорига асосан 2012 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва bosмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони 100 нафаргача оширилди.

Кичик корхоналарни мулкчилик шаклига қараб гуруҳлашда уларнинг қайси мулк асосида ташкил этилганига эътибор берилади, агар корхона битта жисмоний шахснинг мулки асосида ташкил этилса хусусий корхона ҳисобланади. Бундан хусусий корхонани бошқариш ҳусусида гап борганда “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонунда хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида яқка бошқариши<sup>29</sup> шартлиги қонунда алоҳида таъкидланган, фақатгина хусусий корхона мулкдори ўзи

<sup>28</sup> Эргашев Т. Бозор иктисодиёти:/С.С.Фуломов таҳрири остида.-Т.: “Ўқитувчи”, 2002.

67 б.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, №1-2. Б.39.

вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади<sup>30</sup>. Шунга қарамасдан ушбу қонуннинг 24-моддасида келтирилган “хусусий корxonанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди” деган иборанинг талқин этилишида мутахассисларда турли хилдаги қарашлар мавжуд. Масалан, айрим мутасадди идораларнинг берган тушунтиришларига асосан “фақат хусусий корхона унинг эгаси томонидан бошқарилгандагина хусусий корхона ихтиёрида қоладиган фойда мулкдор тасарруфига ўтказилади, корхона мулкдори томонидан бошқарилмаса ушбу ҳолатда мулкдор тасарруфига ўтказиладиган фойдадан умумий тартибда солиқ ундирили”ши келтирилган. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки Қонунда аниқ тарзда кўрсатиб қўйилибдики, хусусий корxonанинг эгаси уни якка бошқариши шартлиги, шундан келиб чиқиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам барча солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг хусусий корхона ихтиёрида қолдириладиган фойда унинг мулкдори тасарруфига ўтказилишида солиққа тортилмаслиги керак. Хусусий корxonадан ташқари мулкчилик шаклига қараб бир неча шахс мулкига асосланган корxonалар сифатида таснифланганда таъсисчилари бир неча шахс бўлишган корxonаларни мисол қилиб олдик. Бу қонундаги жамoa мулкига мос келиши мумкин, лекин унинг таркибидаги маҳалла мулки, ижара мулки, коллектив мулклари бўйича корxonани таснифлашни лозим топмадик. Давлат мулкига асосланган унитар корxonалар давлат мулки асосида ташкил этилади, аралаш мулк асосида ташкил этилган корxonаларга турли хилдаги мулкдорлар томонидан ташкил этилган корxonаларни киритиш мумкин. Масалан, давлат ва чет эл инвесторлари мулки ҳисобига ташкил этилган қўшма корxonаларни булар жумласига киритиш мумкин.

Бир томондан қаралганда мулкчилик шаклига ва ташкилий-хуқуқий шаклига қараб корxonаларнинг таснифланиши бир-

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, №1-2. Б.40.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

### **I-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг республика ва худудлар иқтисодиётини ривожланишидаги аҳамияти.....	6
1.2. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонлари.....	21
1.3. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	34

### **II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

2.1. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш ва унинг ривожланиш босқичлари.....	45
2.2. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш хусу- сиятлари.....	58
2.3. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги тадбиркорлик субъект- ларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш амалиётининг таҳлили.....	83

### **III-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

3.1. Хориж давлатларида кичик тадбиркорлик субъектларини таш- кил этиш ва солиққа тортишнинг назарий асослари.....	93
3.2. Ривожланган мамлакатлар ва Ўтиш иқтисодиёти давлатларида кичик бизнес корхоналарини солиққа тортиш амалиётининг таҳлили.....	103
3.3. Кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини қўллашнинг илғор хориж тажрибасидан мамлакатимизда фойдал- ланиш истиқболлари.....	121
Солиқ қонунчилигида фойдаланиладиган асосий тушунчалар.....	131
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	141

**ТОШМАТОВ ШУҲРАТ АМОНОВИЧ**

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ  
СОЛИҚҚА ТОРТИШ АСОСЛАРИ**

**Тошкент – 2012**

Мухаррир                      – А. Зиядов  
Техник муҳаррир            – Ё. Иноғомов  
Компьютерда                – Р. Шарипов, Д. Абдурахманов  
саҳифаловчилар:

Босишга рухсат этилди 01.02.2012 й. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
«TimesNewRoman» ҳарфида терилди. Шартли б.т. 10,0. Нашр т. 9,5.  
Адади 100. 27-сонли буюртма.

Оригинал-макет Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида  
тайёрланди. Тошкент ш., Ҳ. Арипов, 16-уй.

«EXTREMUM PRESS» ЖК босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Боғишамол 57 б.  
Шартнома №84.